

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БЎТАБОЕВ ЖАСУРБЕК МАХМУДЖОНОВИЧ**

**ЭХИНОКОКК КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ГИГИЕНИК  
ВА ХИРУРГИК ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бўтабоев Жасурбек Махмуджонович**

Эхинококк касаллигини олдини олишнинг гигиеник ва хирургик  
жиҳатларини такомиллаштириш..... 3

**Бутабоев Жасурбек Махмуджонович**

Совершенствование гигиенических и хирургических аспектов  
профилактики эхинококковой болезни..... 21

**Butaboev Jasurbek Maxmudjonovich**

Improving the hygienic and surgical aspects of prevention  
for echinococcal disease..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БЎТАБОЕВ ЖАСУРБЕК МАХМУДЖОНОВИЧ**

**ЭХИНОКОКК КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ГИГИЕНИК  
ВА ХИРУРГИК ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib1513 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Шайхова Гули Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Касимов Адхам Лутфуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Эрматов Низом Жумакулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «16» 02 соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (825 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил « 3 » 02 кунни тарқатилди.  
(2022 йил « 3 » 02 даги 3 рақамли реестр баённомаси)



Сар **Ф.И. Саломова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.Ш. **Д.Ш. Алимухамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Г.Т. **Г.Т. Исқандарова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёнинг бир қатор минтақаларида эхинококк касаллиги (ЭК) эндемик патология ҳисобланади. *Echinococcus granulosus* дан инфекцияланишнинг хавф омилларининг етакчиси бўлиб, санитар-гигиеник шароит, яшаш майдонида жойлашиш, шахсий гигиенага риоя қилмаслик ва овқатланишнинг бузилиши ҳисобланади. Эхинококк кисталари бемор организмдан оқсил, ёғ, витамин ҳамда микроэлементлар билан тўйинади ва витаминларнинг сўрилишини бузади «.....эхинококк касаллиги ривожланишига санитар-гигиеник шароит, овқатланиш рационининг бузилиши ва шахсий гигиенага риоя қилмаслик, эхинококкоз ташхисоти ва даволашда бир қатор масалалар ҳал қилинмаган бўлиб, касаллик асоратланган шакллариининг (25,4–84,65%) юқори улуши сақланиб қолмоқда, ташриҳдан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайтталаниши 3–54%, ўлим эса 3,1-8,6% га ўзгариб туради...»<sup>1</sup>. Шундай қилиб, эндемик ўчоқ, асосан қишлоқ секторлари аҳолисининг касаллик ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги, касалликнинг юқиш йўллари, профилактиканинг элементар усуллариини эътиборсиз қолдирилиши, овқатланиш гигиенасининг бузилиши эхинококк касаллиги кузатилган беморлар сонининг ошишига сабаб бўлади. Шу сабабли эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларини такомиллаштириш энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштириш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳоли орасида эхинококкоздан касалланиш даражасини, тиббий кўрув сифатини ошириш тадбирларини, эхинококк касаллигида профилактик тадбирлар ҳамда амалга оширилувчи гигиеник омиллар самарадорлиги ва сифатини, овқатланиш тартиби ва ҳақиқий овқатланишни, ташриҳдан олдинги ва кейинги даврда эхинококк касаллигини жарроҳлик даволаш билан бирга антипаразитар терапиянинг тактик-техник тамойиллари мажмуасида гигиеник ҳамда профилактик тадбирларни, беморларга даволаш-профилактик тадбирлар модели ва ташхисот алгоритмини ишлаб чиқиш, эхинококк касаллигининг асоратланган ва асоратланмаган шаклларида эхинококк кистасини такомиллаштирилган интраоперацион гермицид билан қайта ишлаш усулини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида ахамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, овқатланиш билан боғлиқ касалликлар натижасида юзага келадиган овқатланиш статусини бузилишини натижасида эхинококкоз касаллигини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга

---

<sup>1</sup>Шамсиев А.М., Шамсиев Ж.А., Курбаниязов З.Б., Раҳманов К.Э., Давлатов С.С. Эхинококкоз печени: частота встречаемости, патогенез, классификация, диагностика и лечение //Клиническая и экспериментальная патология. - Украина. - 2018. - №3 (65) - Т.17. - С. 126-133.

оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда эхинококкоз касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштиришни асослаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнги йилларда Ўзбекистонда эхинококкознинг тарқалиши нафақат қишлоқ аҳолиси орасида, балки шаҳар аҳолиси орасида ҳам аниқланмоқда, бу маълум даражада соғлиқни сақлаш органлари ва санитария хизмати фаолияти ҳамда ҳолатининг қониқарсизлиги, аҳоли диспансеризациясининг паст даражаси ёки умуман йўқлиги, ҳал қилинмаган санитария-эпидемиологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммолар билан боғлиқ (Ш.И.Каримов ва ҳаммуал., 2017; Ш.М.Шамшиев, Ф.Г.Назыров ва ҳаммуал., 2018). Аҳолининг ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий турмуш шароити, хусусий мулкчиликнинг фаол жорий этилиши, фермерлик ва индивидуал ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, яқин ва узоқ хориж давлатларидан аҳоли миграциясининг кучайиши, атроф муҳитда паразитларни кўзғалиш шароитида ўзгаришларга олиб келувчи антропоген табиатнинг ҳосил бўлиш жараёнлари интенсификацияси, паразитар касалликларининг олдини олиш бўйича мавжуд ёндашувларни кўриб чиқиш ҳамда тузатишга сабаб

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бўлади (Amarir F.E., et.al 2020; Patermoster G., et. al; 2020). 2015 йилда ошқозон-ичак касалликлари эпидемиологияси бўйича (FERG) томонидан яратилган баҳолаш мезонлари бўйича дунёда эхинококкоз ҳар йили 19.300 ўлим ва ногиронликнинг сабаби бўлган. Дунё бўйича эхинококкоздан касалланган беморлар сони бир миллиондан ортиб кетган. Кистоз ҳосиллага нисбатан ташриҳдан кейинги ўлим ўртача 2,2%, ташриҳдан кейинги қайталаниш 6,5% ни ташкил қилган. ЖССТнинг тасдиқланган эхинококк касаллигига қарши курашишнинг самарали стратегияси билан фаолият олиб боради (ЖССТ, 2020).

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланиш билан боғлиқ касалланиш ҳолатини баҳолашга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда (Шайхова Г.И., 2015, 2019; 2021; Алимухамедов Д.Ш., 2018; Худойберганов А.С., 2020; Эрматов Н.Ж., 2021, 2022;), бироқ, эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатлар такомиллаштириш борасида илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Сўнги ўн йилликда эхинококкоздан касалланишнинг ўсиши ва тарқалишининг географик чегараси кенгаймоқда. Эхинококкоз энг хавфли паразитар касалликлардан бири ҳисобланиб, жарроҳ амалиётида кўп учрайди, турли клиник кўринишлар билан характерланади. Эхинококкозни даволаш кўпинча мураккаб бўлиб, катта жарроҳлик аралашувини ва узок давомли даволашни талаб қилади. Шунинг учун, эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволашнинг мақбул усуллари ишлаб чиқиш учун кейинги тадқиқотлар зарурлигини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Инсон касалликларини олдини олиш, ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эхинококк касаллигини хирургик даволашнинг гигиеник ва профилактик чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Фарғона водийси аҳолиси орасида эхинококкоз билан касалланиш даражасини аниқлаш ва тиббий кўрик сифатини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган анкета бўйича овқатланиш тартиби ва ҳақиқий овқатланишни, эхинококк касаллигида ўтказиладиган гигиеник ва профилактика тадбирларнинг сифати ва самарадорлиги баҳолаш;

операциядан олдинги ва кейинги даврда эхинококк касаллигини жарроҳлик даволаш билан бирга антипаразитар терапиянинг тактик-техник тамойиллари мажмуасида гигиеник ҳамда профилактик тадбирларни имконини баҳолаш;

эхинококк касаллигини ташхислаш алгоритми ва даволаш-профилактика тадбирлар моделини ишлаб чиқиш;

эхинококк касаллигининг асоратланган ва асоратланмаган шаклларида эхинококк кистасини интероперацион гермицидли қайта ишлашни такомиллаштирилган усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2010-2020 йиллардаги архив ва ҳисобот материаллари, текширув ва жарроҳлик билан даволаш таҳлили, шунингдек, эхинококкоз кузатилган 1280 нафар беморнинг ҳақиқий овқатланиши ва Андижон Давлат тиббиёт институтининг шифохонасида даволанган 486 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб эхинококкоз касаллиги ташхисланган беморларда жарроҳлик аралашувлари ҳар хил турларининг яқин ҳамда узоқ йиллик натижалари асосида эхинококк билан хасталанган беморларнинг мутлоқ овқатланиш материаллари, кисталарнинг тарқалганлиги, кунлик овқатланиш тартибининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда гигиеник, эпидемиологик, клиник, лаборатор, рентгенологик, ультратовуш, компьютер томография ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийсида эхинококк билан касалланган аҳоли ўртасида касалланиш даражаси, тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш асосида тарқалиш тенденциялари аниқланган ва тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби такомиллаштирилган;

аҳоли ўртасида эхинококк касаллигининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар такомиллаштирилган;

эхинококк касаллигига чалинган аҳолининг ҳақиқий овқатланиш, овқатланиш тартиби, шунингдек, ишлаб чиқилган сўровнома бўйича гигиеник ва профилактика чоралари самарадорлиги баҳоланган;

жигар эхинококкозининг асоратланмаган ва асоратланган шакллари учун фиброз капсуласининг қолдиқ бўшлиғини паразитларга қарши ишлов беришнинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

ташкилий-тиббий ва даволаш тадбирлари асосида эхинококк касаллигини эрта ташхислаш алгоритми, даволаш-профилактика тадбирлар модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси аҳолиси орасида эхинококк касаллигини эрта ташхислаш дастур модели ишлаб чиқилган, бу даволаш-диагностик тадбирларнинг комплекс режасини амалга ошириш имконини берган;

табiiй иммунитетнинг пасайиши ҳамда эхинококкоздан зарарланишнинг ошишига олиб келувчи гигиенага риоя қилмаслик ва овқатланишнинг бузилиши эндемик ҳудудларда инсон инвазиясига сабаб бўлувчи омил сифатида баҳоланган;

эхинококк касаллигини даволаш ва олдини олишда асосий тадбирлар ҳайвон эхинококкозидан шикастланиш ва юқори даражада касалланиш билан ҳудудларда хавф омилларини англашда инвазия профилактикаси масаласи бўйича аҳолини гигиеник тарбиялаш дастури ишлаб чиқилган;

эхинококкоз билан боғлиқ мавжуд вазият, биринчи навбатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилишини мониторинг қилиш ва аҳолининг овқатланиш гигиенаси бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни ўз ичига олган ахборот-таҳлилий ва профилактика ишларини янада такомиллаштиришни талаб қилиши исботланган;



ишлаб чиқилган усулга кўра, эхинококк кистасининг локализациясидан катъи назар, унинг қолдиқ бўшлиғини ишлов беришни эхинококк кисталарининг асоратларига қараб барча беморларга қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган, бу эса мавжуд воситаларни эхинококкнинг барча элементларига ҳалокатли таъсири туфайли операциядан кейинги асоратлар сонини камайтирган;

операциядан олдинги ва кейинги кимётерапияни (албендазол) операциядан олдинги ва кейинги даврда гепатопротекторлар ва иммуностимуляторлар билан биргаликда қўллаш жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаши ва операциядан кейинги яқин асоратлар, қайталанишлар даражасини ҳамда узок муддатларда нохуш натижаларни сезиларли даражада камайтириш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи гигиеник, эпидемиологик, клиник, лаборатор, рентгенологик, ультратовуш, компьютер томография ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Фарғона водийсида касалланиш даражаси, тузилиши ва динамикасини таҳлил қилиш, ҳақиқий овқатланиш ва овқатланиш тартибини баҳолаш асосида тарқалиш тенденциясини баҳолаш ва тиббий кўрикларнинг сифатини ошириш бўйича соғломлаштириш тадбирларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳоли орасида эхинококк касаллигини эрта аниқлаш вақтини қисқартириш, олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, профилактика чора-тадбирларини ва фиброз капсула бўшлиғини интероперацион гермицидлик ишлов беришнинг тактик-техник тамойилларини ишлаб чиқиш, ташкилий-тиббий ва даволаш чора-тадбирлар асосида эхинококк касаллигини жарроҳлик даволаш ва ташхислаш алгоритмларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштириш натижасида «Жигар эхинококкозининг асоратсиз ва асоратланган шаклларида эхинококк кистаси қолдиқ бўшлиғига антипаразитар ишлов бериш усули» ишлаб чиқилган (Интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 27 июлдаги IAP 06587-сон ихтирога патенти). Натижада ушбу усул жигар эхинококкозининг асоратсиз ва асоратланган шаклларида эхинококк кистаси қолдиқ бўшлиғига антипаразитар ишлов бериш орқали хирургик даволаш тизимини яратишга имкон берган;

эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Эхинококк касаллигининг асоратланган ва асоратланмаган шаклларида фиброз капсуласининг қолдиқ бўшлиғини антипаразитар қайта ишлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 8н-з/295-сон маълумотномаси). Натижада операциядан кейинги реабилитация даврида касалликка хос бўлган асоратларни камайтириш ва касаллик қайталанишининг кескин қисқартириш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Андижон давлат тиббиёт институтининг шифохонаси, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази жарроҳлик бўлимларининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 08-09/20871-сон маълумотномаси). Натижада эхинококк касаллигини жарроҳлик даволаш шароитида тавсия қилинган қайта ишлаш усули эрта операциядан кейинги даврда фиброз капсула қолдиқ бўшлиғининг ўзига хос санациясини қўшиш, операциядан кейинги йирингли-септик асоратларнинг 11,2% ва касаллик қайталанишининг 4,6% дан 0,4% га қисқартириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилди, натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва илмий янгилиги берилди, олинган натижаларининг назарий ҳамда амалий аҳамияти баён қилинди, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилганлиги бўйича маълумот берилди, иш натижаларининг нашр қилинганлиги ва апробацияси, диссертация ҳажми ҳамда тузилиши тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларнинг замонавий талқини**» деб номланган

биринчи бобида эхинококк касаллигини (ЭК) олдини олиш, ташхислаш ва даволаш муаммоларини акс эттирувчи адабиётлар шарҳи берилган. Профилактик ва гигиеник тадбирларнинг замонавий методологик жиҳатларига бағишланган илмий нашрлар, шунингдек ЭК жарроҳлик билан даволаш усуллари, такрорий ташриҳдан кейин юзага келган асоратларнинг таҳлили ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Кейинчалик ҳал қилинишни талаб қилувчи долзарб масалалар ўрганилган.

Диссертациянинг «**Эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, ҳажми ва усуллари тавсифи берилган. Тадқиқот асосида ЭК билан 1280 нафар беморнинг даволаш ва тадқиқот натижалари берилган, жумладан, эхинококкоздан касалланиш, Андижон вилояти туманлари кесимида гигиеник ва даволаш-профилактик тадбирларнинг олиб борилиши, 2010 йилдан 2020 йилгача бўлган даврларда асосий параметрлар: касалланиш даражаси ва тузилиши; касалланишнинг кўп йиллик динамикаси; ҳар хил ёш ҳамда ижтимоий-касб эгалари гуруҳларида эпидемиологик намоён бўлишнинг интенсивлиги бўйича уларнинг турли иқлим шароитлари ҳамда қишлоқ хўжалиги йўналишлари тавсифи (Асака, Шахрихон) берилган.

2010-2020 йилларда АДТИ клиникаси жарроҳлик бўлимларида текширилган ва даволанган ҳар хил жойларда жойлашган эхинококкоз кузатилган 486 нафар беморнинг ҳақиқий овқатланишини ўрганиш бўйича таҳлил олиб борилди.

Зарарсизлантирувчи воситалар таъсири ёрдамида янги пайдо бўлган элементларни нобуд бўлиш муддатини аниқлаш цитологик текширув ҳамда ЭК кузатилган беморларнинг ҳақиқий овқатланишини текшириш билан гигиеник, клиник, махсус инструментал усуллардан фойдаланилди.

Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинди: қиёслаш гуруҳига Андижон вилоятида эхинококкоздан касалланган 658 нафар бемор киритилди, ушбу гуруҳ яна икки кичик гуруҳга бўлинди: А кичик гуруҳига эхинококкоз кузатилган 402 нафар беморларда касалланиш таҳлил қилинди, 2010-2017 йиллар давомида эхинококкок касаллиги бўйича санитар-гигиеник тадбирлар самарадорлиги ўрганилди; Б кичик гуруҳига АДТИ клиникаси жарроҳлик кафедраси базасида 2010-2017 йилларда 256 нафар эхинококкоздан ташриҳ қилинган, стационарда стандарт даволаш-диагностик ва профилактик даволанган беморлар киритилган.

Асосий гуруҳни юқорида кўрсатилган туманларда (Асака, Шахрихон, Пахтаобод, Избоскан, Олтинқўл и Андижон туманлари) яшовчи беморлар ташкил қилиб, бу гуруҳ беморлари ҳам яна икки кичик гуруҳларга бўлинган: А кичик гуруҳига—392 нафар эхинококк касаллигига чалинган беморлар киритилиб, гуруҳда 2018-2020 йилларда аҳолини тўғри оватланиши ва овқатланиш хатти-ҳаракатларини ўрганиш билан аҳоли орасида эхинококк касаллигининг олдини олиш ва тиббий кўрик сифатини ошириш бўйича тадбирлар ўтказилган; Б кичик гуруҳига АДТИ клиникаси жарроҳлик кафедраси базасида 2018-2020 йилларда эхинококк касаллигидан ташриҳ

қилинган 230 нафар бемор киритилган бўлиб, махсус ишлаб чиқилган анкета-сўровнома асосида эхинококк касаллигида индивидуал тарзда тўғри овқатланиш юзасидан гигиеник ва профилактик, шунингдек, даволаш усулларини такомиллаштириш билан бирга антипаразитар терапиянинг тактик-техник тамойиллари бўйича тадбирлардан фойдаландик.

Эхинококкоздан касалланиш частотаси ва давомийлиги беморларнинг яшаш жойлари, яъни, қишлоқ аҳолисида эхинококкдан зарарланиши устунлик қилганлиги таҳлил қилинди. ЭК кузатилган ўрганилаётган беморлар қиёслаш гуруҳида фақат 62 нафар беморда (А кичик гуруҳда 15,4%) ва 22 нафар беморда (Б кичик гуруҳда 8,6%) ташрих вақтидан 1 йилни ташкил қилди. Бунда ЭК муддати 1 йилдан 5 йилни 186 нафар беморда (А кичик гуруҳда 46,25%) ва 139 нафар (Б кичик гуруҳда 54,2%), 5 йилдан ортиқроқ 154 нафар беморда (А кичик гуруҳда 38,3%) ва 95 нафар беморда (Б кичик гуруҳда 37,1%) аниқланди.

Шу билан бирга 1 йилдан 5 йилгача ва ундан ортиқроқ муддат кўпроқ қишлоқ аҳолиси орасида кузатилди: қиёслаш гуруҳида 238 нафар бемор (А-кичик гуруҳида - 59,2%) ва 146 нафар бемор (Б-кичик гуруҳида - 57,1%), ЭК нинг 1 йилдан 5 йилгача давом этиши асосий гуруҳда 236 нафар (А-кичик гуруҳда - 60,2%) ва 114 (Б-кичик гуруҳда - 49,6%) нафар беморда кузатилди, бу қишлоқ аҳолисининг касалликдан етарлича хабардор эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари MS Excel 2007, Statistica 6,0 дастури ёрдамида статистик қайта ишланган. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар  $P < 0,05$  ишончли даражада қабул қилинди.

**Диссертациянинг «Эхинококк касаллигининг эпидемиологик жиҳатлари, гигиеник ва профилактик комплекс тадбирларини оптималлаштириш»** деб номланган учинчи бобида эхинококк касаллигининг Фарғона водийсида тарқалганлиги, аҳолининг ҳақиқий овқатланишининг таҳлил ўрганилган.

Умуман Фарғона водийси ва унинг субъектларида эхинококкоздан касалланиш таҳлил қилинганда маълум бўлдики, 2010-2020 йилларда Андижон вилояти аҳолисининг эхинококкоздан касалланишининг ўртача кўп йиллик кўрсаткичи 100 минг аҳолига  $2,8 \pm 0,1$  га тенг бўлди, 100 минг нафар кишига  $0,4 \pm 0,1$  ни ташкил қилди ( $\chi^2 = 112,3$ ;  $p < 0,05$ ). №003/у шакли маълумотларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни аниқладик, 2010-2020 йилларда вилоят аҳолисининг эхинококкоздан касалланишининг кўп йиллик кўрсаткичи 100 минг аҳолига  $3,4 \pm 0,4$  ҳолатни ташкил қилди ва 2- шакл маълумотлари бўйича кўрсаткич 1,2 марта ортиб кетди ( $\chi^2 = 18,2$ ;  $p < 0,05$ ), вилоят аҳолиси касалланишининг ўсишга олдиндан мойиллиги борлиги ( $\chi^2 = 4,1$ ;  $p < 0,05$ ).

Олинган натижалар асосида ўрганилаётган ҳудудларда эхинококкоздан заҳарланиш шахсий хўжалигида ҳайвонлар кўпайтирганда, инвазия манбаси –итлар ҳамда гигиеник тадбирлар ва овқатланиш қоидаларига риоя қилмаганда кўпайганлиги аниқланган. ЭКга чалинган 124 нафар беморларнинг санитар-гигиеник яшаш шароитларини ўрганишда, 2,4% бемор тизимли тарзда ташиб келинган сувдан, 97,6% - марказлашган ичимлик сув таъминотидан ва 4,8% - очик сув ҳавзаларидаги сувдан фойдаланган.

Сўровнома ўтказишда ЭК дан касалланган беморларнинг овқатланиш рациона гигиеник талабларга мос келмайди (1–жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Шифохонага қабул қилинган эхинококк касаллиги кузатилган беморларнинг овқатланиш рационини текшириш натижалари

Кўрсаткичлар	ф/м, г	Қабул қилингандаги кўрсаткичи	
		абс., г	таъминланганлик, %
Энергетик қиймати, ккал	2400	1839,4±32,4***	76,6
Умумий оқсил, г	80,5	62,3±11,4**	77,4
ҳайвон оқсил	49	29,5±4,9**	60,2
Ёғлар, г	80	46,7±5,3**	58,4
Углеводлар, г	340	308,9±12,3***	90,9
Кальций, мг	1100	729,5±17,1**	66,3
Фосфор, мг	1650	1059,6±18,9***	64,2
Магний, мг	250	220,1±8,8*	88,0
Темир, мг	12	10,9±3,2**	90,8
Витамин С, мг	60	58,0±7,7*	96,7
Витамин А, мкг	700	162,1±10,4***	23,2
Витамин В <sub>1</sub> , мг	1,2	1,06±0,02*	88,3
Витамин В <sub>2</sub> , мг	1,4	1,27±0,03*	90,7
Витамин РР, мг	15	13,0±2,5*	86,7

Изоҳ: \* - фарқлар физиологик меъёр гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\* - P<0,05, \*\* - P<0,01, \*\*\* - P<0,001)

Ташриҳдан олдин ЭК кузатилган беморларнинг овқатланиш рационада гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, хом мева ва сабзавотлар микдорининг етишмаслиги натижасида оқсил, ёғ, витамин, микро- ва макроэлементлар, етишмаслиги, карбонсувлар микдорининг ортиқчалиги аниқланди. Шундай қилиб, беморларнинг овқатланиши ташриҳдан олдинги даврда физиологик меъёрдан камлиги аниқланди, бу эса ташриҳ қилинган беморлар овқатини оптималлаштириш бўйича чоралар тизимини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Моддалар алмашинуви кўрсаткичлари таҳлилида шифохонага ётқизилган беморларнинг 50% да овқатланишдаги камчилликлар оқибатида юзага келувчи овқатланиш статусининг бузилиши аниқланган. 20% беморда ортиқча овқатланиш, 50%да липид алмашинувининг бузилиши, 90% бемор гипо- ва авитаминоз белгилари, 50% атрофидаги бемор иммун статусининг ўзгариши кузатилган бўлса, 20%да рациондаги камчилликлар аниқланган.

Шундай қилиб, ЭК кузатилган беморларда хавф омилларини аниқлашда ижтимоий-гигиеник омиллар етакчи ўринда бўлиб, хавф омилларига салбий

турмуш тарзи, овқатланишнинг бузилиши ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик биринчи ўринни эгаллайди.


Диссертациянинг «**Эхинококк касаллигининг олдини олиш ва даволашнинг хирургик жиҳатларини такомиллаштириш**» деб номланган тўртинчи бобида жарроҳлик билан даволаш натижаларига таъсир қилувчи асосий муаммолар бўйича тавсия қилинган ишланмаларга бағишланган. Жарроҳлик тактикаси қорин бўшлиғи ва бошқа аъзолар билан кўкрак бўшлиғида эхинококкнинг жойлашиши, асоратлари ва бирикиши ҳисобига аниқланади. Айнан жигарда ҳамда қорин бўшлиғининг бошқа аъзолари ва кўкрак бўшлиғида кистанинг жойлашиши жирроҳлик билан киришни танлашда маълум аҳамиятга эга. Ҳар иккала гуруҳда ЭКнинг жигарда жойлашиши 304 нафар, жигар ва кўкрак қафаси аъзоларининг биргаликда шикастланиши 62 нафар беморда жуда кўп кузатилди. Бундан ташқари, жигар ва кўкрак қафаси аъзоларининг биргаликда эхинококк шикастланиши сезиларли даражада кўп - 80 нафар беморда учради. Эхинококк кистаси энг кўп жигарнинг ўнг қисми VIII, VII-VIII ва V-VI-VII сегментларида биргаликда, 40 нафар беморда эхинококк кистаси ўпкада жойлашган. Ягона кисталар қиёслаш гуруҳидан 147 нафар ва асосий гуруҳдан 137 нафар беморда аниқланди (57,4% ва 59,5%), иккита киста назорат гуруҳидан 69 (26,9%) нафар ва асосий гуруҳдан 56 нафар (24,3%) беморда, учта киста назорат гуруҳидан 23 (8,9%) нафар ва асосий гуруҳдан 19 (8,2%) нафар беморда, учтадан кўп киста назорат гуруҳидан 17 (6,6%) нафар ва асосий гуруҳдан 18 (7,8%) нафар беморда кузатилди. Кисталар ўлчами (ҳажми) бўйича қиёслаш гуруҳида майда кисталар 22 (8,5%), ўртача кисталар 144 (56,2%), катта кисталар 68 (26,5%) ва йирик кисталар—22 (8,5%) нафар беморларда аниқланди. Асосий гуруҳда майда кисталар 13 (5,6%), ўртача кисталар 137 (59,5%), катта кисталар—48 (20,8%) ва йирик кисталар 32 (13,9%) нафар беморда кузатилди. Ундан ташқари, майда ва ўрта кисталар биргалиги, ўрта ва катта кисталар биргалиги қиёслаш гуруҳида 23 (8,9%) ва асосий гуруҳда 33 (14,3%) нафар беморда аниқланди. Битта дренаж найчаси қолдиқ бўшлиғини дренажлаш билан очик эхинококкэктомия эхинококк киста диаметри 6-10 см бўлган 18 (32,5%) нафар, киста диаметри 11-20 см ва ундан катта бўлган 24 (9,4%) нафар беморда ўтказилди, бу кейинчалик ташриҳдан кейинги йиринглаш ва бошқа асоратлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Асосий гуруҳда очик эхинококкэктомия 18 (7,8%) нафар беморда иккита дренаж найча билан дренажлаш билан ўтказилди. Эхинококкэктомиянинг комбинацияланган усули қиёслаш гуруҳида 13(5,1%) нафар ва назорат гуруҳида 17 (7,4%) – нафар беморда ўтказилди.

Тадқиқотнинг махсус боби сколекслар мавжудлигида таркибий киста цитологияси ва цитологик текширув Папаниколау методикаси бўйича олиб борилди, чунки бу усул зарарсизлантиришда самарадорликка эга деган фикрга келишга имкон беради.

Фурацилиннинг антисептик эритмаси ва гипертоник эритма билан бирга қўлланганда 5 дақиқагача сколексларни нобуд қиладиган таъсир кўрсатмади, экспозициядан 10 дақиқа ўтгач 90% сколексларнинг нобуд бўлгани, илгаклар кузатилмади ва ички тузилиш қуйиқлашмади (1 ва 2-расмлар қаранг).




**1-расм. Фурацилин ва гипертоник эритма билан қайта ишлангунгача тирик сколекс**




**2-расм. Фурацилин ва гипертоник эритма экспозициясидан кейин 5 дақиқа ўтгач**

Асосий гуруҳда қолдиқ бўшлиқни интраоперацион антипаразитар қайта ишлов бериш учун эхинококк касаллигининг асоратланмаган шаклларида 80% глицерин эритмасидан фойдаланилди. Шу билан бирга экспозициянинг учинчи дақиқасидаёқ 90% сколекслар нобуд бўлгани кузатилди, экспозициянинг 5- дақиқасида хужайравий тузилманинг қуйиқлашиши билан герминтатив қаватнинг парчаланиши ва қисман қорамтир рангда бўялган.

Ўт оқмаси туридаги асоратда 80% глицерин 0,02% декасан эритмаси билан бирга қўлланилган. Экспозициянинг учинчи дақиқасида сколекс шаклининг бир томонга эгилиши, хужайра мембранасининг бўкиши аниқланган ҳамда экспозициянинг бешинчи дақиқасида хужайра тузилишининг қуйиқлаши билан герминтатив қобик парчаланган ва қисман қорамтир рангда бўялган (3 ва 4-расмларга қаранг).




**3-расм. Глицерин ва декасан билан қайта ишлашгача тирик сколекс**



**4-расм. Глицерин ва декасан экспозициясидан кейин 3 дақиқа ўтгач**

Асоратланган эхинококккознинг йиринглаш тури кузатилганда 80% глицерин эритмаси 0,02% декасан ва 10% бетадин эритмасидан фойдаланилди. Йиринглаган холларда 80% глицерин ҳамда 0,02% декасан ва 10% бетадин

эритмаларидан фойдаланилди. Бунда 5-10 дақиқали экспозицияда олиб борилган текширувда сезиларли тафовут аниқланмади, барча сколекслар нобуд бўлганлигини кўриш мумкин (5 ва 6-расмларга қаранг).




**5-расм. Глицерин, декасан ва бетадин экспозициясидан кейин 5 дақиқа ўтгач**




**6-расм. Глицерин, декасан ва бетадин экспозициясидан кейин 10 дақиқа ўтгач**

Мазкур текширилаётган гуруҳ беморларида фиброз капсулани морфологик текширишга эътибор қаратдик, 80% глицерин эритмаси, 0,02% декасан ва 10% бетадин эритмалари билан фиброз капсула зарарсизлантирилгунча ва ишлов беришдан кейин ўрганилди.

Тадқиқот 10 нафар беморда ўтказилди, гистологик таҳлил учун материал бўшлиққа қайта ишлов беришдан олдин ва кейин фиброз капсула деворларидан 1,0x1,0 см ўлчамда бўлакларни кесиш билан олинди (7 ва 8-расмларга қаранг).



**7-расм. Фиброз капсуланинг -декасан ва бетадин билан қайта ишлагунга, гематоксин-эозин билан бўялгангунга қадар х64 катталаштирилгани**



**8-расм. Фиброз капсуланинг декасан ва бетадин билан қайта ишланганидан, гематоксин-эозин билан бўялганидан кейин х64 катталаштирилгани**

Морфологик текширувлар кўрсатишича, 80% глицерин эритмаси, 10% бетадин эритмаси билан бирга 0,02% декасан эритмасида фиброз капсула қайта ишланганидан 3 дақиқа кейин экспозицияда томирлар атрофида қон



куйилиши, томирлар гиперемияси, гемодинамиканинг бузилиш белгилари билан ўртача яллиғланган инфльтрация аниқланган.

Асоратланган беморларнинг умумий сони қиёсий гуруҳда ҳам тафовутланди (асосий –қиёслаш гуруҳи: 12 (5,2%) - 43 (16,4%)).

Ташриҳдан кейинги асоратлар 12 (5,2%) нафар беморда ташхисланди. Қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши 5 (2,1%) нафар беморда аниқланди, бунда асоратларнинг энг кўп миқдори ёпик ва ярим ёпик эхинококкэктомия (ЭЭ) кузатилди.

Қолдиқ бўшлиқни тавсия этилган антисептиклар билан ўз вақтида дифференциал қайта ишлаш, йирингли жараёни–декасан+бетадин +глицерин билан бартараф этиш яхши натижага эришишга олиб келди.

Шундай қилиб, жарроҳлик билан даволашнинг яқин натижаларини қиёсий баҳолаш кўрсатишича, асосий гуруҳда ташриҳдан кейинги маҳаллий характердаги асоратнинг ёпик эхинококкэктомиядан кейин (капитонаж) ўт оқмаси, қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши ва яралар сезиларли даражада жуда 11,2% кам кузатилади.

Ташриҳдан олдинги ва кейинги даврда беморларни соғлом овқатланиш талабаларига, эхинококк кистасининг тарқалганлиги ва диаметри, уни бартараф этиш, тадқиқотнинг техник усуллари ва такомиллаштирилган методларидан фойдаланиш, шунингдек, қолдиқ бўшлиқни тавсия қилинган усул билан қайта ишлаш (бетадин+декасан+глицерин) ва кимётерапия асоратларни 16,4% дан 5,2% га камайтириш имконини берди.

Шундай қилиб, соғлом овқатланиш талабларига риоя қилиш, ЭКни комплекс жарроҳлик билан даволашнинг тавсия қилинган қиёсланган тактикаси ташриҳдан олдинги ва кейинги даврларда зарарланиш характерига боғлиқликда овқатланиш ҳамда иммун аралашмалар ташриҳдан кейинги даврда асоратлар кузатилмаганда беморлар улушини 83,2% дан 94,7% га (асоратларнинг пасайиши 16,4% дан 5,2% гача) ошириш ва ўлим даражасини 1,2% дан 0,4% га камайтириш, тақрорий анъанавий аралашувлар заруратини 6,6% дан 2,1%га, узоклашган даврда 10,4% дан 1,2%га қисқартириш имконини берди ( $P=0,005$ ).

Диссертациянинг «**Эхинококкозни жарроҳлик билан даволашнинг яқин ва узок натижаларини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида эхинококк касаллигида турли жарроҳлик аралашувлари натижаларини келтирилган. Бунинг учун ташриҳдан кейинги асоратлар кузатилган беморлар икки кичик гуруҳларга ажратилди.

Назорат гуруҳида жароҳат инфилтрати (1) ва йиринглаши (1) 3 (1,1%) нафар беморда ташхисланган. 1(0,4%) нафар кекса ёшдаги беморда ташриҳдан кейинги 5-куни нисбатан яхши ҳолатида ўпка артерияси тромбоземболияси ўлимга сабаб бўлди. Ташриҳдан кейинги даврда жигар-буйрак етишмовчилиги қиёслаш гуруҳидаги 3 (1,1%) бемордан, 2 (0,7%) нафарида ривожланиб ўлимга олиб келди.

Шундай қилиб, жарроҳлик билан даволашнинг яқин натижаларини қиёсий баҳолаш кўрсатишича, қиёслаш гуруҳида ташриҳдан кейинги маҳаллий характердаги эхинококк кистасининг асоратлари қолдиқ бўшлиқни бартараф этиш усуллари ва ҳар хил турларидан сўнг (ёпик, ярим ёпик,

аралаш ЭЭ) ўт оқмаси, қолдиқ бўшлиқ ва яраларнинг йиринглаши сезиларли даражада кўп 12,5% кузатилди.

Асосий гуруҳда қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш усулини танлаш қиёсланди ва бунда асоратнинг жойлашиши, ҳажми, кисталар сони ва характеридан келиб чиқди. Жигарнинг асоратланмаган эхинококк кистаси 12 (5,2%) нафар беморда қолдиқ бўшлиқни бартараф қилиш мақсадида ёпиқ ЭЭда Бобров методи бўйича капитонаж вариантыдан фойдаланилди ҳамда 9 (3,9) нафар беморда ярим ёпиқ ЭЭда хавфсизлик микроирригатори қолдирилди. Бироқ, ушбу усул хавфсиз бўлмади, бу ёпиқ ЭЭ дан кейин 1 (0,4%) нафар ва ярим ёпиқ ЭЭ дан кейин 2 (0,8%) нафар беморда кузатилувчи кисет чокини кўйиш жараёнида ўт оқими ҳамда қон томир жароҳатланиш эҳтимолига боғлиқ.

Ташриҳдан кейинги асорат 12 (5,2%) нафар беморда ташхисланди. Қолдиқ бўшлиқ йиринглаши 5 (2,1%) нафар беморда аниқланди, асоратларнинг кўп қисми ёпиқ ва ярим ёпиқ ЭЭ да кузатилди.

Анъанавий жарроҳлик аралашувларидан кейин қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаш сабаблари маълумотларимизга кўра қуйидагилардир: ногерметик тикилмаганлиги ва аниқланмаган билиар оқмалар, анча катта ҳажм қолдириш ҳамда қолдиқ бўшлиқни ўзига хос бўлмаган ҳолда бартараф этиш, қатор беморларда эса уни етарлича дренажланмаганлиги ва қолдиқ бўшлиқни капитонаж усулида, инвагинацион усулда бартараф этилганда, ҳамда оментопластикада, кетгутдан фойдаланиш, уни муддатидан олдин сўрилишига олиб келган.

Асосий гуруҳда ўпкадан ЭЭ да плеврит асорати 2 (0,8%) нафар, жигар диафрагмал юзадан ЭЭ да 1 (0,4%) нафар беморда кузатилди. Ўт оқмаси 4 (1,7%) нафар беморда ташхисланди, уларнинг аксарияти ёпиқ ЭЭ ўтказилган ташриҳлардан сўнг аниқланди. Инфильтрат ва яра йиринглашиши асосий гуруҳда 1 (0,4%) нафар беморда ташхисланди.

Шундай қилиб, жарроҳлик билан даволашни яқин натижаларининг қиёсий баҳоси кўрсатишича, ёпиқ эхинококкэктомиядан (капитонаж) кейин асосий гуруҳда ўт оқмаси, қолдиқ бўшлиқ ва яраларнинг йиринглаши туридаги маҳаллий характердаги ташриҳдан кейинги асоратлар сезиларли даражада 11,2% кам кузатилди.

Ташриҳдан олдинги ва кейинги даврларда беморларни соғлом ва хавфсиз овқатланиш талабларига, эхинококк кистасининг тарқалганлиги ва диаметри, уни бартараф этиш ҳисоби, ташриҳларнинг такомиллаштирилган техник усуллари ва методларидан фойдаланиш, шунингдек, қолдиқ бўшлиқни тавсия қилинган усул билан қайта ишлаш (бетадин+декасан+глицерин) ва кимётерапия асоратларни 16,7% дан 5,2% га камайтириш имконини берди. Қиёслаш гуруҳида ташриҳдан кейинги 6 ойдан 5 йилгача бўлган узоқлашган муддатда касалликнинг қайталаниши 12 нафар беморда (5,1%): капитонаждан кейин-2 нафар, инвагинацион метод - 2 нафар беморда, қолдиқ бўшлиқ абдоминализацияси билан биргаликда оментопластика ва парциал цистоперицистэктомиядан кейин 1 ҳолатда кузатилди. 18 нафар беморда ўтказилган консерватив кимётерепиядан кейин узоқлашган муддатда 5 нафарда эхинококк кистасининг йиринглаши, 3 нафарда эхинококк кистасининг

катталашганлиги аниқланди. Қолдиқ бўшлиқнинг йиринглаши билан суёқлик тўпланиши - 15 (5,8%), ўт оқмаси - 7 (2,7%) узок муддатли дренажлаш 23 (8,9%) нафар беморда кузатилди.

Асосий гуруҳда ташриҳдан кейин 6 ойдан 3 йилгача бўлган узоклашган муддатда 2 нафар беморда (0,8%): аралаш ЭЭдан кейин 1 нафар беморда ва инвагинацион методдан кейин 1 нафар беморда касалликнинг қайталаниши кузатилди. Қолдиқ бўшлиқнинг шаклланиши ва унинг йиринглаши билан унда суёқлик тўпланиши асосий гуруҳдаги 1 (0,4%) нафар, ўт оқмаси 2 (0,8%) нафар беморда кузатилди, қолдиқ бўшлиқни узок вақт дренажлашни фақат 1 (0,4%) нафар беморда талаб қилди.

Кимёвий терапия ўтказган беморларда узоклашган муддатда эхинококк йиринглаши 1 нафар, қолган 12 нафар беморда эхинококк кистаси ҳажми йўқолиб кетадиган даражада кичрайган.

Маълумотлардан кўринадики, қиёслаш гуруҳи беморларида энг юқори кўрсаткичлардаги ташриҳдан кейинги асоратларнинг унча юқори бўлмаган натижалари аниқланди.

Демак, эхинококк касаллигини комплекс жарроҳлик билан даволашнинг тавсия қилган дифференцияланган тактикамиз ташриҳдан олдин ва кейинги даврда соғлом овқатланиш талаблари, юқори энергетик қийматга эга овқатланиш рационини қўллаш ташриҳдан кейинги эрта даврда асоратлар кузатилмаган беморлар улушини 83,2% дан 94,7% гача (асоратларни 16,4% дан 5,2% гача камайтириш) ошириш, ўлим даражасини 1,2% дан 0%гача камайтириш, эрта ташриҳдан кейинги даврда такрорий анъанавий аралашувларга заруратни 6,6% дан 2,1% га, узоклашган даврда 10,4% дан 1,2% га ( $P=0,005$ ) қисқартириш имконини берди.

Асосий гуруҳда жарроҳлик билан даволашнинг узоклашган натижалари 145 (63,0%) беморда аъло, 70 (30,4%) беморда яхши, 10 (4,4%) беморда қониқарли, 5 (2,2%) беморда қониқарсиз натижани кўрсатди. Қиёслаш гуруҳида узоклашган муддат натижалари 98 (38,2%) нафарда аъло, 35 (13,7%) беморда яхши, 88 (34,4%) беморда қониқарли ва 35 (13,7%) беморда қониқарсиз натижа аниқланди (2-жадвалга қаранг).

## 2-жадвал

### Текширилаётган гуруҳларда ташриҳдан кейинги узоклашган натижалар

Ташриҳ натижалари	Қиёслаш гуруҳи (n=256)		Асосий гуруҳ (n=230)	
	абс	%	абс	%
I гуруҳ – аъло	98	38,2	145	63,0
II гуруҳ – яхши	35	13,7	70	30,4
III гуруҳ – қониқарли	88	34,4	10	4,4
IV-A гуруҳ – ёмон	35	13,7	5	2,2
Жами	256	100	230	100

Қиёсий гуруҳдаги қониқарсиз натижалар айрим тадқиқотчилар фикрларини тасдиқлайди, у ёки бу асоратлар ташриҳдан олдинги тайёрлов тактикаси,

гигиеник тадбирлар ўтказиш ҳамда аралашувларнинг апаразитарлик ва антипаразитарлик қоидаларига тўлиқ амал қилмаслик билан умумийликка эга.

Шундай қилиб, асосий гуруҳ беморларида узоқлаштирилган натижалар киришнинг оптималлаштирилган усуллари, қайта ишлашнинг такомиллаштирилган усуллари ва жигарнинг қолдиқ бўшлиғини бартараф этиш стандарт даволаш-диагностик усуллар, шунингдек, эхинококкэктомиянинг анъанавий тактик-техник тамойиллари қўлланган қиёсий гуруҳ беморларига нисбатан сезиларли даражада яхши бўлган. Амбулатор ва стационар текширув учун турли ташриҳлардан кейин ҳар хил муддатларда сўровнома маълумотлари бўйича натижаларни ўрганиш асосланган ва рационал ҳисобланади.

## ХУЛОСАЛАР

«Эхинококк касаллигининг олдини олишнинг гигиеник ва хирургик жиҳатларни такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Эпидемиологик тадқиқот натижасида Андижон вилоятининг эндемик ҳудудларини ҳисобга олган ҳолда эхинококкоз билан касалланиш даражаси бўйича Фарғона водийси ҳудудлари дифференциация ўтказилди, у ерда 10 йил ичида касалланишнинг мутлоқ ўсиши 1,79% ни, касалланишнинг ўртача мутлоқ ўсиши 0,20% ни ташкил этди.

2. Ишлаб чиқилган анкета-сўровнома касалликнинг клиник белгилари ва асосий сабабларини ўз вақтида аниқлашга, шунингдек, ташриҳ қилинган беморлар ҳолатини сифатли баҳолашга имкон берди, шунингдек, ушбу патологиядан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволашнинг барча босқичларида эхинококк касаллигидан юқори касалланиш кузатилган минтақаларда профилактик, гигиеник ва жарроҳлик тадбирларини ўтказиш режасини ўз вақтида ҳамда мақсадга йўналтирилган ҳолда тузишга имкон яратди.

3. Таркибида етарли миқдорда оқсил, ёғ, минерал ва витаминларни ўз ичига олган озуқавий аралашмалар билан сифатли ва мувозанатлашган овқатланиш бўйича ишлаб чиқилган сўровномада ҳақиқий овқатланиш ҳамда овқатланиш тартибини ўрганиш кунлик овқатланишдаги камчилликларни тўлдириш ва овқат моддаларининг энергетик қийматни 76,6% дан 81,9% га кўтариш имконини берди.

4. Эхинококк касаллигида жарроҳлик тактиканинг ишлаб чиқилган алгоритми профилактик тадбирларнинг мақбул усулини танлаш имконини берди, аъло натижалар даражаси 38,2% дан 63,1% гача, яхши натижалар 13,6% дан 30,5% гача ошганини ва даволашнинг қониқарсиз натижалари улушини 13,6% до 5,2 қисқаришини кўрсатди.

5. Эхинококкэктомияда қолдиқ бўшлиқни дренажлаш, жойлашиши ва антипаразитар қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқилган усули ташриҳдан кейинги йирингли-септик асоратлар даражасини 11,2% ҳамда касаллик қайталанишини 4,6% дан 0,4% га сезиларли даражада камайтирди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**БУТАБОЕВ ЖАСУРБЕК МАХМУДЖОНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГИГИЕНИЧЕСКИХ И ХИРУРГИЧЕСКИХ  
АСПЕКТОВ ПРОФИЛАКТИКИ ЭХИНОКОККОВОЙ БОЛЕЗНИ**

**14.00.07 – Гигиена**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib1513.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководители:**

**Шайхова Гули Исламовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Касимов Адхам Лутфуллаевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Эрматов Низом Жумакулович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Хакимов Дилшодбек Мамадалиевич**  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «16» 02 2022 г. в 13<sup>00</sup> часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за 825). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «3» 02 2022 года.

(реестр протокола рассылки № 3 от «3» 02 2022 года)



*Сол*  
**Ф.И. Саломова**  
председатель разового Научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

*Д.Ш.*  
**Д.Ш. Алимухамедов**  
ученый секретарь разового Научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

*Искандарова*  
**Г.Т. Искандарова**  
председатель научного семинара при разовом Научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В ряде регионов мира эхинококковое заболевание считается эндемичной патологией. Среди факторов риска заражения от *Echinococcus granulosus* причинами является нарушение санитарно-гигиенических условий, размещение в жилом помещении, несоблюдение правил личной гигиены и питания. Эхинококковые кисты (ЭК) насыщаются из организма больного белками, жирами, витаминами, микроэлементами и нарушают всасывание витаминов. Однако «...не решен ряд вопросов в диагностике и лечении эхинококкоза, в развитии эхинококковой болезни (ЭБ), санитарно-гигиенических условий, нарушении рациона питания и несоблюдении личной гигиены, сохраняется высокий процент осложненных форм (25,4–84,65%), осложнения после диагностики и рецидивы заболевания варьируются от 3 до 54%, а смерть от 3,1 до 8,6% ...»<sup>1</sup>. Таким образом, эндемический очаг, недостаточное информирование населения сельских секторов, не имеет достаточной информации о заболевании, путях передачи заболевания, оставление без внимания элементарных методов профилактики, нарушение гигиены питания приводит к увеличению количества больных с наблюдаемым эхинококковым заболеванием. Поэтому совершенствование гигиенических и хирургических аспектов профилактики эхинококковой болезни является одним из важнейших проблемных вопросов.

В мире проводится ряд научных исследований в целях улучшения гигиенических и хирургических аспектов профилактики эхинококковой болезни. В связи с этим, необходима разработка гигиенических и профилактических мероприятий в комплексе тактико-технических принципов противопаразитарной терапии до и послеоперационном периоде, а также модели лечебно-профилактических мероприятий для пациентов и алгоритма диагностики, наряду по повышению мер качества медицинских осмотров, уровня заболеваемости от эхинококкоза среди населения, профилактических мероприятий при эхинококковой болезни, а также эффективности и качества гигиенических факторов, режима питания и фактического питания, важное значение имеют научно-практические направления при проведении научных исследований, направленных на разработку способа обработки эхинококковой кисты улучшенным интраоперационным гермицидом при осложненных и неосложненных формах эхинококковой болезни (ЭБ).

